

Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ **57-58** (508-509) 2021 йил 20 июль, сешанба

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН

БУНУЙОДКОРИ



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
19 июль куни
насос станцияларини модернизация
қилиш орқали қишлоқ хўжалиги
инфратузилмасини яхшилаш
масалалари юзасидан йиғилиш
ўтказди.

Юртимизда 1 минг 687 та насос станцияси бор. Шундан 299 таси эскирган бўлиб, улар билан сугориладиган ерларнинг 80 минг гектари фойдаланишдан чиқиб кетган, 607 минг гектарига сув таъминоти ёмонлашган. Ушбу насос станцияларини янгилашга жами 700 миллион евро маблағ талаб этилади.

146 миллион евро хорижий кредит эвазига биринчи навбатда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги жами 95 та насос станциясини модернизация қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борада бажариладиган ишлар белгиланди.

Сув хўжалиги вазирлигига йил якунига қадар ускуналар хариди бўйича тендерларни якунлаб, қурилишни бошлаш юзасидан топшириқ берилди.

Модернизация учун зарур бўлган 86 турдаги насосдан 15 таси, 80 турдаги электр двигателидан 20 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбари ускуналар харид қилишда бундан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Лойиҳа доирасида 40 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш ва 315 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган. Хусусан, Бухоро ва Навоий вилоятларида 3 тадан туманда, Қашқадарёда 5 та, Самарқандда 6 та ва Сурхондарё вилоятида 11 та, жами 28 та туманда сугориш имконияти ошади.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимларига сув таъминоти яхшиланидиган майдонларда юқори даромадли маҳсулотлар экиш ва шу асосда 80 минг нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз лойиҳа билан қамраб олинадиган ерларда сув тежовчи технологияларни жорий этиб, сув сарфини 40 фоизга қисқартириш ва қўшимча 20 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш мумкинлигини таъкидлади.

Насос станцияларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўқув курслари ва амалий семинарлар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги яқинда янгиланган “Дўстлик” насос станцияси бу борада яхши намуна бўлади. Унинг модернизация қилиниши натижасида 11 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшилانган, эксплуатация харажатлари 300 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача камайган, йилига 8 миллион киловатт электр икτισод қилинмоқда.

Мутасаддиларга лойиҳа устидан тизимли назорат ўрнатиш, маблағларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Янгиланадиган ҳар бир насос станциясини кластерларга боғлаб, лойиҳаларнинг бошидан охиригача уларнинг иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди вазирлар ва вилоят ҳокимлари бажариладиган ишлар ҳамда эришиладиган натижалар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Қалбларимиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улуг кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва саховат рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан гоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табарруқ айёмини байрам қилаётган ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табриklarимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетаквир руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Муствақил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳандгир.

Сўнгги йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори муқаддас динимиз, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуг улаомларимизнинг беназир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан йўрилган эзгу аънаёларини мўносиб давом эттириш мақсадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, калом, фикҳ ва та-саввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги тахрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муҳтарам ватандошлар! Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустақкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жоноҳон Ватанимиз равақига мўносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улуг олимлар ва

улаомларимизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улуг оруз-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим! Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган улаомларимиз томонидан билдирилган тақлиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улуг айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай огир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга тинчлик-хотир-жамлик ва файзу барака тилайман.

Дуогўй кексаларимизнинг эзгу тилаклари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамиша соғ-омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳайит – миллий қадриятларимиз тараннуми

Жасурбек домла РАУПОВ,
Тошкент вилояти
бош имом-хатиси.

Аллоҳ таолога беадад шуқрлар бўлсин, мамлакатимизда сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, хайрли ишлар барча мўмин-мусулмонларни мамнун этмоқда. Янгидан қурилаётган, обод бўлаётган масжидлар киши баҳридиларни очади, кўнглиларга сурур бағишлайди.

Куни кеча матбуотда муҳтарам Президентимизнинг “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қурбон ҳайити жамиятимизда қарор топган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш ҳамда ёш авлодни миллий аъёна ва урф-одатларимизни эъозлаш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳайит фақат байрамгина эмас, балки минг йиллар давомида шаклланган қадриятларимиз тараннуми ҳамдир. Чунки бу байрамда халқимиз

миз ўзаро меҳр-оқибат, хайру саховат тадбирларини уюштиришади. Кўнгли ўқсик, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинад.

Зотан, мазкур қарорда ҳам халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтириш белгилаб қўйилган.

Одатда ҳайит кунинда ҳамма бир-бирини улуг кун билан самимий муборакбод этади. Биринчи ўринда ота-оналаримизни, улардан кейин қариндош-уруғларимиз ва ёру биродарларимизни, беморларни бориб зиёрат қиламиз. Уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Қурбонлик қилиш Яратганнинг берган неъматларининг шукронасини адо этиш ва нафсоний иллатлардан покланиш ҳамда банданинг Яратувчисига амрига итоати ва тақвосини намоеъ этади.

Аллоҳ таоло Куръони каримда: “Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам этиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли – У зотни улуглашларингиз учун – уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!” (Ҳаж сураси, 37-оят).

Ҳайит ўз номи билан хурсандчиликдир. Ушбу байрамда ота-она ва фарзандларга совға улашиб, уларни қувонтириш, кексаларни, заиф ва бетобларни зиёрат қилиш, уларга

ҳадя бериб, қалбларига сурур киритиш динимиз тарғиб қилган амаллардан.

Айрим ҳудудларда ҳайит кунлари исрофгарчиликка сабаб бўладиган турли маросимлар ўтказиш одат тусига кирган. Бу шариятимизда йўқ. Яқинлари вафот этган хонадонлардаги, никоҳ тўйлари бўлган оилалардаги “янги ҳайит”, “ҳайит йўқлови” каби маросимлар бидъатдир. Ҳайит кунлари исрофгарчиликлар, хурсандчилик байрамини аза ва йиғи-сигига айлантириш бизга ярашмайди. Бунинг ўрнига муҳтожларга, фақир-мискинларга, етим-есир, бева-бечораларга совғалар улашиш зарур.

Қурбон ҳайити – мусулмонларнинг шод-хуррамлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат қўрсатиш, бир-бирлари билан дийдорлашув байрамидир. Уни шарият талабларига мувофиқ, йиғи-сигисиз, хурсандчилик билан, хуш кайфиятда ўтказиш шарт.

Ҳайит куни қариндош-уруғларини, биродарларини зиёрат қилиш, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш ажри улуг амаллардан. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар муборак кунларда бир-бирларини кечирсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Унутмаслик керак, ҳали коронавирус балоси тўлиқ чекинмади. Шундай экан, карантин қоидаларига қатъий риоя қилайлик.

Аллоҳ таоло Қурбон ҳайитини барчамизга муборак қилсин!



Қонунчиликни билан



Шаҳарсозлик кодексининг 38-моддаси нима ҳақида?

38-модда. Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик муҳокамаси

Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлаштириш юзасидан муҳокама қилиниши аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик муҳокамасидир.

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик муҳокамаси қуйидаги тартибда ўтказилади:

1) муҳокама бошланишидан ўн кун аввал жамоатчилик назорати субъектларини жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш муддатлари ва тартиби билан аҳоли пунктнинг бош режаси тўғрисидаги ахборотни тақдим этган ҳолда таништириш. Жамоатчилик назорати субъектларини таништириш: оммавий ахборот воситаларида ва махсус ваколатли давлат органининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида тегишли эълонлар бериш; корхоналарнинг, муассасаларнинг

ва ташкилотларнинг биноларида, жамоат жойларида, тахмин қилинаётган қурилиш майдончаси ҳудудида баннерлар (плакатлар) ва ташқи реклама воситаларини ўрнатиш; экспозициялар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шакллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади;

2) жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш, аҳоли пунктнинг бош режасига оид фикрларни тўплаш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шакллар.

Аҳоли пункти бош режасининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш давомийлиги қаида ўн беш кундан иборат бўлиши керак;

3) билдирилган мулоҳазаларни қайд этиш (сурвонмалар, аудио ва видео-ёзув, келишиб олиш варақаси, ишти-

рокчиларнинг ёзма тақлифлари, жамоатчилик муҳокамаси йиғилишининг баённомаси);

4) жамоатчилик муҳокамаси якунлари бўйича хулосанинг муҳокама якунланганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай жамоатчилик назорати субъектлари томонидан оммавий ахборот воситаларида ва махсус ваколатли давлат органининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилиниши.

Аҳоли пунктларининг бош режалари жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланади.

Аҳоли пункти бош режасининг ўтказилган жамоатчилик муҳокамаси материаллари бош режа амал қиладиган бутун муддат мобайнида буюртмачида ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органида сақланади.

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

– Эркинжон Оқбўтаевич, яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ана шу давр ўз ҳаётида қандай из қолдирганини сарҳисоб қилади. Раҳбарларда эса бу борада масъулият юки яна ҳам оғирроқ. Вилоят ҳокими сифатида Сизнинг ҳам кўнглингизда турли ўйлар кечаётгандир...

– Албатта, Ватан мустақиллиги, эркинлиги қадрини аввалги тузум даврида яшаганлар ёки истиқлолни орзу қилганлар, бунинг учун курашганларчалик ҳеч ким яхши билмас керак. Биз ҳам Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврда туғилиб, илм эгалаб, меҳнат фаолиятимизни бошлаган авлодмиз. Ўтган аср 90-йилларининг қанчалик оғир ва таҳликали бўлганини яхши эслайман. Иқтисодий, сиёсий вазиётнинг оғирлиги, ижтимоий муаммоларнинг тўпланиб қолгани одамларда умидсизлик, жамиятдан норозилик кайфиятини уйғотганди. Ана шундай вазиятда мамлакат мустақиллиги эълол қилиниб, янги давлат қуришга, ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келди.

Давлатимиз мустақилликка эришган пайтда банк соҳасида ишлардим. Кейин ҳокимият тизимига ўтказишди,



бошқарув тизимида ишладим. Бу даврда ҳамма соҳада ишлаш оғир эди, айниқса, иқтисодий қийинчилик, тақчиллик шариоитда умидсизликка тушиб қолган, аввалги даврни кўмсайдиган одамларнинг фикрини ўзгартириб, уларга бош бўлиш осон эмасди. Бир томонда эса иқтисодиётни йўлга қўйиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш – барча-барчаси бир вақтда ечимини кўтиб турган масалалар эди.

Бу фақат Ўзбекистоннинг ва ўзбекистонликларнинг эмас, собиқ иттифоқдаги барча республикалар ва халқларнинг ўша пайтдаги дарди, оғриқ нуқтаси эди.

Шўқри, бағрикенг ва меҳнатсевар, қаноатли халқимиз ана шу синовларни энгиб ўтди. Айрим давлатларга ўхшаб саросимага тушиб қолмадик, кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги йўқолмади, муҳими, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик. Бугун эса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимиздаги ислохотлар жадал тус олди, бу ислохотлар энди ортга қайтмайди. Ана шу ислохотларда давлат раҳбарининг, Самарқанд халқининг ишончини оқлашга интилиб меҳнат қилаётганимдан, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётига озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан faxрланаман.

– Яқинда матбуотда каттагина мақоланинг чоп этилди. Унда ҳам мустақиллик туфайли, кейинги йилларда мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли эришилган натижаларни қайд этгансиз.

– Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимиз турмуш тарзидagi, одамлар онгу тафаккурдаги ўзгаришлар, ҳар кунги ўзимиз гувоҳ бўлаётган янгилашни жараёнлари ва зиммамиздаги масъулият ҳисси туфайли қозоғга тушган фикрлар улар. Ўзингиз ҳам юқорида айтдингизку, ҳар бир инсон ўйлаб қўриши, сарҳисоб қилиши керак бўлган гаплар. Лекин, афсуски, кўпчилигимиз кечаги кунни унутиб қўямиз. Бугунги янгилашлар, ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини англамаймиз.

Бугун инсоният мураккаб бир даврда яшамоқда. Фан-техника тараққиёти, ахборот технологияларининг жадал ривожини, дунёнинг бир бурчатида юзага келган ҳолатнинг айнаи вақтда бошқа бир минтақада акс-садо бериши ҳар бир халқ, ҳар бир давлатдан ўз тараққиёт йўли, сиёсатида собит бўлишни талаб этади. Глобаллашув жараёнларидан келиб чиқиб, дунё давлатлари билан интеграциялаштириш, шу билан бирга, ўз давлатчилик анъаналарини сақлаб қўлиш жуда муҳим саналади. Мана шундай мураккаб шариоитда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида юритилаётган сиёсат халқ манфаатларига қаратилгани, аҳолини рози қилиш бош мақсад ҳисоблангани билан ажралиб туради ва буни ҳар бир юрtdошимиз ҳис қилса керак.

Давлатимиз раҳбарининг фақат бугунги ёки бир-икки йили эмас, ақин беш, ўн, йигирма йилни қўзлаб қабул қилаётган дастурлари, фармон ва қарорлари қанчалик аҳамиятли эканлигини мамлакатимиз ва халқро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазият яққол кўрсатмоқда.

“ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ”

Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон ТУРДИМОВ билан суҳбат

Бу ҳақда гапирганда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур дастур асосида беш йил давомида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлиги-

ган. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан давлат дастурининг ижроси доимий равишда мониторинг қилиб берилмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, йилнинг биринчи ярмида давлат дастуридаги 21 та банд бажарилган, 40 таси ижро жараёнида, қолганлари йил якунига қадар амалга оширилади.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 711 минг нафардан ортиғини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш жараёнида 108 минг нафар ёшларнинг муаммолари борлиғи қайд этилди. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш, ёшлар билан ишлаш мақсадида ҳокимликлар, секторлар кесимида вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, вилоят бўйича ёшлар билан ишлашнинг янгилаш тизимини жорий этиш юзасидан 123 бандни ўз ичига олган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Мазкур Дастур бўйича ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ва касб-хунарга ўқитиш мақсадида тижорат банклари томонидан 185 миллиард сўм маблағ ажратилади. Шунинг ҳисобидан Пастдарғом туманида анорчилик, Самарқанд туманида туризмни янада ривожлантириш орқали ёшлар учун янги иш ўринлари яратилади. Ёшларни мусиқа, рассомчилик, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида вилоятдаги маданият марказлари 858 та миллий мақсаблари ва амалий санъат дастгоҳлари билан таъминланиши кўзда тутилган. Умумтаълим мактабларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг 90 та тармоқ тўғарақлари ташкил этилади. Ёшларни жисмоний чиниктириш ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида барча туман ва шаҳарлар марказларида “Саломатлик йўлаклари” ташкил этилади, 6 та спорт объекти фойдаланишга топширилади, 21 та спорт мактаби зарур анжомлар билан таъминланади. Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш, медиа саводхонлигини ривожлантириш юзасидан Булунгур, Каттақўрғон, Қўшрабoт, Пайарик, Нуробoд, Нарпай ва Пахтачи туманларида рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шунингдек, мазкур дастурда вилоят бўйича 46 та “Ёшлар меҳнат гузари”, 17 та “Ёшлар кичик соҳнат зонаси”, 2 та мактаб, Пайарик туманида “Ёшлар кутубхонаси”, Булунгурда замонавий ахборот-кутубхона марказини қуриш белгиланган. Ёшларнинг истеъдодини рўёғга чиқариш мақсадида барча туман ва шаҳарларда кимё-биология, математика, ахборот технологиялари иختисослашган 19 та мактаб ташкил этилади. Нуробoд, Пахтачи ва Қўшрабoт туман-

ўтган йили Самарқанд вилояти кардиология диспансерида инвестиция дастури асосида 12 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилиб, кардиореанимация, кардиохирургия, артериал патология каби олти та янги бўлим очилганди. Хорижда ишлаётган 15 нафар юқори малакали юрtdошимизни шу ерга таклиф этиб, чет элдагидан кам бўлмаган шариоит яратиб бердик. Улар 2020 йил декабрь ойдан шу пайтгача хорижда амалга оширилган юрак-қон томир хасталиклари билан боғлиқ мураккаб жароҳлик амалиётларини Самарқандда бажаришни йўлга қўйди. Бу йил ҳам ушбу муассасага бир қатор янги усуналар келтирилди. Натижада марказ фаолияти янада такомиллашмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятда онкологик ва эндокрин касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида ушбу йўналишдаги тиббий муассасаларимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бунинг учун республика бюджетини билан бирга, маҳаллий бюджетдан ҳам каттагина маблағ ажратилмоқда.

Биз дастурлар ижросига масъулмиз ва уни таъминлаш учун бор имкониятимизни ишга соламиз. Бу ишлардан бизнинг эмас, халқимизнинг кўнгли тўлиши керак. Ана шундагина бизнинг фаолият-

471 турдаги маҳсулот экспортини амалга оширди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ҳам вилоятимиз иқтисодий имкониятларини янада кенгайттирди.

Бугунги кунда “Ургут” эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион долларлик 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу пайтгача 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, ҳудудда бир қатор саноат корхоналари иш бошлади ва уларда 4300 нафардан ортиқ киши меҳнат қил-япти. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, энгил саноат ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг апрель ойида вилоятга ташири қочи-да “Ургут” эркин иқтисодий зонасини кенгайтириш ва вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам унинг корхоналарини ташкил этиш бўйича топшириқ берди-лар. Ҳозирда бу иш ҳам жадал суръатда амалга оширилмоқда.

Қурилиш материаллари саноатида мавжуд табиий ресурслар захирасидан самарали фойдаланиш ҳисобига вилоятда цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда йилига 660 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувва-



тимизга тўғри баҳо беришарди.

– Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан иқтисодиётга бориб тақалмоқда. Сиз айтганган катта-катта режалар, маблағлар вилоят иқтисодиёти мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Бу борада ҳозирги имкониятлар қандай?

– Албатта, ҳар бир ҳаракат, мақсад ва режалар, биринчи навбатда, иқтисодий имкониятга боғлиқ. 2020 йил якуни билан Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 42,4 триллион сўмни ташкил этади. Буни 2017 йил билан қиёслаганда 10,4 фоиз ўсишга эришилганини кўришимиз мумкин. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,8 миллион сўмга тенг бўлди. Бу 2017 йилга нисбатан 3,9 миллион сўм кўп, демакдир.

Худди шундай ўсиш кўрсаткичларини тармоқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бундан тўрт йил аввалгига нисбатан 27 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 0,5 фоизга, асосий капиталга инвестициялар 20 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қарийб 3 мартага, қурилиш-пудрат ишлари 58 фоизга, чакана савдо айланмаси қарийб 23 фоизга ўсган. Кичик бизнес субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ва яратилган шарт-шароитлар натижасида уларнинг сони 2017 йилдаги 17 минг 261 тадан 2020 йилда 35 мингтага, яъни икки баробар кўпайди.

Жорий йил биринчи ярмида эса вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 19 триллион 320 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 фоиз ўсишга эришилди.

Йил бошидан буён 188,5 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Экспортнинг асосий қисми саноат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, хорижда 44 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди. 385 та корхона 46 мамлакатга

тига эга бўлган 4 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда улар сафига яна иккита шундай корхона қўшилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги туб ислохотларни ҳам бугун нафақат иқтисодчилар, балки халқимиз ҳам ўз турмуш тарзида кўриб турибди. Янгича ёндашув асосида пахта-тўқимачилик йўналишида 10 та, мева-сабзавотчилик бўйича 13 та ва бошқа йўналишларда 21 та кластер ташкил этилиб, уларга 164,4 минг гектар ер майдони бириктириб берилди.

Бу ишлар самарасида ўтган йили аҳоли жон бошига тўғри келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8,9 миллион сўмни ташкил этиб, 2017 йилга нисбатан 2,7 миллион сўмга кўпайди. Яъни, 2020 йилда 33,6 триллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

– Самарқанд вилояти иқтисодиёти ҳақида гапирганда туризмга эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Айниқса, кейинги йилларда юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш борасидаги ишлар туфайли туризм вилоятнинг ҳам асосий драйверларидан бири сифатида қаралмоқда...

– Тўғри, бугун иқтисодиётимизда туризмнинг улуши секин-аста бўлса-да ошиб бормоқда. Аслида, бизда мавжуд имконият ва ресурслар туфайли бу тармоқ асосий йўналишлардан бири бўлиши керак. Икки йилдан буён коронавирус пандемияси туризмга салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин амалга оширилиши керак бўлган лойиҳалар тўхтаб қолгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган йили Самарқанд эшак эшиш канали атрофида 212 гектар майдонда туристик марказ қурилиши бошланган эди. Айни пайтда бу ерда мухташам конгресс-холл, “Абадий шаҳар” қарвонсаройи ва 8 та замонавий меҳмонхона бунёд этилмоқда. Меҳмонхоналарнинг иккитаси 22 қаватли, беш юлдузли, қолганлари тўрт юлдузли бўлади. Мазкур

марказни 2022 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Самарқанд халқро аэропортининг реконструкция қилиниши ҳам вилоятимизда туризмни ривожлантиришга хизмат қилади. Жорий йилда янгидан фойдаланишга топширилаётган мазкур аэропорт орқали кунига 40 тагача қатновни амалга ошириш имконияти яратилади.

2019 йилда вилоятимизда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган жойлаштириш воситалари 296 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб улар 412 тага етди. Бу объектларда бир вақтнинг ўида 11 минг 500 нафардан ортиқ меҳмонни қабул қилиш мумкин. Вилоятдаги меҳмонхоналар ҳозирда 171 тани, оилавий меҳмон уйлари эса 217 тани ташкил этмоқда. Сайёҳларга туристик синфга мансуб 136 та автобус, 126 та микроавтобус ва 20 та электромобиль, 181 та туроператор ҳамда 336 нафар гид-таржимон хизмат кўрсатмоқда.

2021 йилнинг 6 ойи давомида 84 та туристик лойиҳа ишга тушрилди. Жумладан, 12 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди, 45 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди. Сайёҳлар учун шаҳар ташқарисида 15 та янги туристик маршрут йўлга қўйилди.

Самарқанд шаҳрида илк бор гастронимик кўча, Самарқанд тумани “Кониғил” маҳалла фуқаролар йиғинида юртимизда биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди. Бу йил шундай масканлар Ургут туманининг Терсак ва Пайарикнинг Чоштепа қишлоғида ташкил этилмоқда.

Зиёрат туризмни ривожлантириш, хориждан келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун эса сайёҳларга халқро стандартларга мос хизмат кўрсатиш, туристнинг бир неча кун юртимизда, хусусан, Самарқандда қолиши учун имконият яратиш лозим.

Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан Имом Бухорий мажмуасида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Зиёратгоҳ атрофида 7 та меҳмонхона, 3 та автотурагоҳ ва автобекат, супермаркет, бозорча ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда.

Шунингдек, бу йил Самарқанд шаҳридаги Имом Мотуридидий, Тойлоқ туманидаги Имом Доромий зиёратгоҳларини ҳам кенгайтириш ва обод қилиш, бу масканларда сайёҳлар учун зарур шарт-шариоит яратиш чоралари кўрилмоқда.

Умуман, бугун Самарқандга келган хорижий меҳмонлар фақатгина шаҳардаги тарихий обидалар ва маданий мерос объектларини томоша қилиш билан чекланмай, вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги туристик объектлар, муқаддас қаддамжоларни ҳам зиёрат қилишлари учун кенг имкониятлар яратилади.

Пандемия сабабли ўтган йил Самарқандга келган сайёҳлар 633 минг нафарни қамраб олган. Бу йил эса карантин чекловларининг юмшатилиши, бир қатор давлатлар фуқаролари учун виза тартибларининг соддалаштирилиши, халқро авиарейсларнинг тикланиши ҳамда юртимиз бўйлаб ички туризм фаол қўллаб-қувватланиши натижасида йилнинг биринчи ярмида Самарқандга 1 миллион 86 минг нафар сайёҳ келди. Уларнинг 54 минг нафардан ортиғи хорижий туристлардир.

– Эркинжон Оқбўтаевич, энг улуг, энг азиз байрамимизга ҳам оз фурсат қолди. Коронавирус пандемияси сабабли карантин тартиблари кучайтирилмоқда. Мана шундай шариоитда байрамни қандай тасаввур қиласиз?

– Барчамиз учун муҳими, аввало, саломатлик. Ҳар бир инсон ўзи, ақинлари соғ-омон бўлса, ўша хонадонда байрам ҳам, тўй ҳам татайди. Шунинг учун ҳозир, биринчи навбатда, халқимизнинг саломатлигини ўйлашимиз, республика комиссияси қоида ва тавсияларига қатъий амал қилишимиз керак. Қолаверса, юртимиздаги, ҳар бир хонадондаги тинчлик-хотиржамлик, халқимизнинг эртанги кунга мустаҳкам ишончи – байрам қийфати, Мустақиллик берган бахт. Буни ҳар кун, ҳар бир хонадонда нишонлаш, байрам қилиш мумкин.

ЎЗА МУХБИРИ
ҒОЛИБ ҲАСАНОВ
суҳбатлашди.

Самарқанд

Ёз – оромгоҳ билан соз!

Жазирама иссиқда соя-салқин масканда дам олишга нима етсин. Тоғ ён бағрида жойлашган “Алпомиш” болалар ёзги дам олиш оромгоҳи ёз фаслида мириқиб дам оладиган масканлардан бири.



Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидagi маскан 220 ўринга мўлжалланган бўлиб, болаларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун етарли шароитлар яратилган.

– Белгиланган меъёрлар асосида оромгоҳда болажонлар учун шароитлар яратилган, – дейди оромгоҳ раҳбари Самандар Абдумўминов. – Болажонлар тегишли тартибда тиббий куриқдан ўтказилган ҳолда оромгоҳга қабул қилинмоқда. Оромгоҳда ҳам шаҳар тиббиёт бирлашмасидан масъул тиббий ходимлар бириктирилган ҳолда болажонлар доимий назорат қилиб борилмоқда. Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари

учун ҳар бир кун учун алоҳида дастурлар белгиланган бўлиб, бунда турли учрашувлар, театр томошалари, концерт дастурлари уюштирилмоқда. Шунингдек, шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби билан ҳамкорликда болажонларнинг қизиқишларига қараб тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Энг муҳими, уларни жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган. Жумладан, шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон, волейбол, эстафета



Суратларда: “Алпомиш” болалар ёзги дам олиш оромгоҳида. Алишер ИСРОИЛОВ (ўЗА) олган суратлар.

ўйинлари билан болажонлар мунтазам шуғулланмоқда. Ёзни чўмилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мўъжазгина сузиш ҳавзамиз болажонларга олам-олам қувонч бағишлайди.

Оромгоҳда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида

шаҳардаги умумтаълим мактабларидан 12 нафар педагог ходим бириктирилган. Аини пайтда иккинчи давра якунига етаётган масканда шу кунга қадар 400 нафардан ортиқ самарқандлик болажонлар ёзги таътилни мароқ билан ўтказди.

Тошкент

Янгиҳаётдаги ўзгаришлар

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юрт ободлиги – кўнгил ободлиги. Қадимдан ота-боболаримиз ўзлари яшаб турган жойнинг ташқи кўринишига айрича муносабатда бўлишган.

Бу жараён ҳозир ҳам жадал давом этмоқда. Ободонлаштириш умумдавлат миқёсдаги ҳаракатга айланди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойда қандай янгиланишларга қўл урилди? Янгиҳаёт тумани ҳокимлигида ўтказилган матбуот анжумани аини шу масалаларга бағишланди.

Ҳозирда тумандаги кўчалар сони 320 тани ташкил қилиб, узунлиги 141,915 метрдан иборат. Шундан асосий кўчалар 30 та, кичик ва тор кўчалар 200 та, берк кўчалар эса 90 тани ташкил этади. Худуддаги пиёдалар қатнов қисмининг юза майдони 1 383 477 метр квадратдан иборат.

2021 йил учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар бир туман учун етарли миқдордаги маблағ ажратилиши режалаштирилган. Ушбу бюджет маблағлари ҳисобидан дастур асосида туман маркази ва жамоат транспорти қатновчи кўчаларни жорий таъмирлаш ишлари бажарилляпти. Шунга кўра, йилнинг дастлабки олти ойда туман ҳудудида 10 000 метр квадрат марказий кўчалар, 11 000 метр квадрат пиёдалар йўлаклари, 160 000 квадрат метр ички йўллар таъмирланди. Жумладан, “Обод маҳалла” дастури асосида 10 500 метр квадрат йўллар реконструкция қилинди.

– Жорий йилнинг январидан бошлаб тумандаги ўндан ортиқ маҳалла кўчаларига асфальт қопламаси ётқизилди, – деди туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Жасур Абилкасимов. – Маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар олди ва пиёдалар йўлакчаларига бетон қопламаси қопланди. “Обод маҳалла” давлат дастури асосида Чортоқ маҳалласи ҳудуди янгиланиши режалаштирилган. Бугунги кунда 10 500 метр квадрат майдон мукамал таъмирдан чиқарилди ва 63 500 метр квадрат майдонда иш жараёнлари давом этмоқда.

Шунингдек, йил якунига қадар “Олчазор”, Ибрат”, “Янги турмуш”, “Бинокор”, Хўжа Учқун” маҳаллаларида ҳам ички йўллар реконструкция қилиниши кўзда тутилган. 2021 йил бошида тумanning Йўлдош, Хушнуд, Чоштепа ҳамда Ал-Фарғоний маҳаллаларидаги ички кўчаларни таъмирлаш ишлари учун уч триллион сўмдан ортиқ бюджет маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига 35 000 метр квадрат майдон янгиланди. Иккинчи транш бўйича эса Чоштепа, Хушнуд, Тошкент, Янгидархон маҳаллаларининг ички кўчаларини таъмирлаш ишлари учун беш триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, 65 000 квадрат метр майдон реконструкция қилинади.

Қашқадарё

Чироқчида мактаблар қуриляпти

Шухрат НОРМУРОДОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президентнинг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида 2021 йилги Инвестиция дастури асосида, умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, таъмирлаш мақсадида 144,4 млрд сўм маблағ йўналтирилган.

Унга кўра, 42 та объект белгиланган бўлиб, шундан 2 та янги мактаб қурилиши, 31 та мактабда реконструк-

ция ҳамда 9 та мактабда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган. Шунингдек, Президентимизнинг вилоятга ташрифи давомида ўтказилган мажлис баёнига мувофиқ умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун қўшимча 100,0 млрд сўм маблағ ажратилган эди.

Шу аснода Чироқчи туманида инвестиция дастури асосида 58 миллиард 500 миллион сўмга 29 та умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Пахса деворли 17 та мактаб биноси ўрнида янги замонавий мактабларнинг ўқув бинолари қуриляпти. “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳам 4 та мактаб бинолари қурилиши ва таъмирлаш ишлари аини авжида.

Наманган

Янгиқўрғонда иккита МФЙ янги бинога эга бўлди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган вилоятида шу йилнинг ўзида “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида йигирмадан ортиқ МФЙ бинолари янгиланади. Улар янги барпо этилаётган гузарлардан жой олади. Ёнида аҳолига хизмат кўрсатадиган шохобчалар, кутубхона, чойхона, сартарошхона кабилар ҳам бўлади.

Ўтган ҳафта Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги “Ғалаба” ва Машъал” МФЙ бинолари фойдаланишга топширилди. Диққатга сазовор томони шундаки, улар давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида қуриб битказилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда вилоят Нуронийлар кенгаши раи-

си, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилояти бўлими бошқаруви раиси Аҳмаджон Мукаррамов, Янгиқўрғон тумани ҳокимлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, МФЙ фаоллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг нуфузини ошириш учун кўплаб ибратли тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди.

– Илгари маҳалла идораси кўримсиз, бошқа бир ташкилот биносининг ижарага олинган хонасида фаолият юритарди, – дейди “Ғалаба” маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Алишер Умрзоқов. – Мана энди бутунлай бошқача манзара, ҳавас қилса арзийди. Яратилган шарт-шароитлар киши кайфиятини кўтаради. Янги бино маҳалла кўрмига кўрк қўшди, деб бемалол айтиш мумкин. Мана шунинг бунёдкорлик ишлари бардавом бўлаверсин.

Фарғона

Ширкат ўрнида бошқарув компанияси

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда Фарғона шахрида жойлашган кўп квартирали уйлари малакали бошқарув-сервис компанияларига бериш, тўловларни биллинг тизимида амалга ошириш бўйича янги электрон платформани ишга тушириш жараёnlари олиб борилмоқда.

Жумладан, Фарғона шахридаги “Истиклол”, “Лолазор”, Бобур, А. Қодирий ҳамда “Ўзбекистон” МФЙ ҳудудларида жойлашган 136 та кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш тизimini яхшилаш мақсадида янги “Коммунал қурилиш таъмир сервис” бошқарув компанияси иш бошлади.

Ичимлик сув таъминоти яхшиланди

Сув ресурсларининг бошқарув тизimini автоматлаштириш ва модернизация қилиш, вилоятнинг энг чекка ҳудудлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан изчил ишлар амалга ошириляпти.

Жумладан, янги Марғилон шаҳарчасида жойлашган “Бош сув иншооти”нинг ичимлик қудуғидаги сув бо-

симини янада ошириш мақсадида таъмирталаб ҳолатда бўлган эски насос ўрнига янгиеси ўрнатилди.

Фарғона туманининг “Майдон” МФЙда яшовчи аҳоли кўпдан буён ичимлик сувини ташиб, истеъмол қилиб келишган. Эндиликда бу муаммо ўз ечимини топадиган бўлди.

2021 йил “Обод кишлоқ” дастури бўйича маҳалла аҳолисининг хонадонларида ҳам тез кунда тоза ичимлик суви бўлади. Бунинг учун 14 километр ичимлик суви тармоқларини тортиш, 3 та сув минорасини қуриш ва таъмирлаш, 3 та ичимлик суви қудуғини қазиш ва реконструкция қилиш белгиланган. Ҳозирда ишлар жадал суръатларда давом этмоқда.

Қорақалпоғистон

Кўчалар ободонлашяпти

Марат УЛПЕТОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Шуманай тумани марказидаги “Жанабазар” МФЙ ҳудудида жойлашган Амир Темур кўчасида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ички хўжалик йўли текисланди ва асфальт ётқизилди.

“Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида Шуманай туманида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Айбуйир” МФЙ ҳудудидаги 4,6 километр ички

хўжалик йўлида таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 2,5 километр йўл текисланди. Бундан ташқари, туман Ажинияз ва Бахтли кўчалари ҳам янгидан асфальтланди.

Қораўзак туманида ҳам “Обод кишлоқ” дастури асосида “Бердақ” ОФЙ ҳудудидан ўтувчи узунлиги 7,5 километр ва “Қойбақ” ОФЙ ҳудудидан ўтувчи узунлиги 4,5 километр ички хўжалик йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан дастурга киритилган ички хўжалик йўлларида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Жорий йил Қонлиқўл туманидаги МФЙ ва ОФЙларнинг ички йўлларда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 3 млрд 120 млн сўм

миқдориде маблағ ажратилган бўлиб, ишлар Тахиятош йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан олиб борилмоқда.

Чимбойда масжид фойдаланишга топширилди

Чимбой туманидаги жомеъ масжиди биносида қайта таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди.

Унинг очилишида Чимбой тумани ҳокими Айбек Тажетдинов ва Қорақалпоғистон Мусулмонлари Қозияти Қозиси Шамсуддин Бахаўатдиновлар сўзга чиқишди.

Таъмирдан чиққан масжид 1000 та ўринга мўлжалланган бўлиб, намозхонлар учун ҳозирги замон талабларига мос ва қулайликлар муҳайё қилинган.

Яна бир тиббиёт маркази очилади

Насер Масуд Лабиб Абс бошчилигидаги Жаҳон банки делегацияси Фарғонага ташриф буюрди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлиб ўтган учрашувда Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан қуриладиган кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилиши муҳокама марказида бўлди.

Меҳмонларга вилоятнинг хорижий давлатлар билан алоқалари, инвестицион салоҳияти бўйича эришилаётган

ютуқлар тўғрисида сўзлаб берилди. Республика соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлиқларининг келишуви билан Жаҳон

банки ҳисобидан кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилиши Фарғона шахрида амалга оширилади.

Қишлоқ аёллари ишли бўлишди

Ўзбекистон туманида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турганлар бугун иш берувчиларга айланмоқда.

Иродахон Юнусова Яйпан шаҳарчасининг Беруний маҳалласида яшайди. У тикувчиликдан хабардор эди. Тижорат банкидан ажратилган 25 млн сўм имтиёзли кредит эвазига 5 та замонавий тикув машинаси харид қилди. Шу тариқа ўз юмушларини енгиллатиб, аста-секин даромадга кирди. Ёнига 5 нафар ишсиз маҳалладош қизларни олиб, кийим-кечақлар тикишмоқда ва буюртмалар кундан-кунга кўпайиб бораппти.

Бундан икки ой муқаддам “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган Наргиза Эргашева эса “Туркистон” маҳалласида истиқомат қилади. Бугун ана шу ишбилармон ушбу дафтардан чиқарилди. Сабоби, устозларидан бичиш-тикиш сирларини ўрганиб, “Агробанк”дан имтиёзли кредит ҳисобига 7 та



тикув машинаси сотиб олди. Шу тариқа оиладаги 5 киши ишли бўлди. Маҳалладошлардан эса 9 нафар хотин-қизлар доимий ишга жалб қилинди.

Хонадондаги мўъжазгина тикувчилик цеҳида 1 кунда 1 нафар тикувчи 20 тагача қўйлақ тикияпти. Бугун ўз ишини пухта йўлга қўйиб олган Наргизахон меҳнат тикши-орқали оиласи ва маҳалласи учун нафи тегаётганидан мамнун.

Болалар майдончалари

2021 йил давлат дастурига асосан Фарғона вилоятида Республика бюджети маблағлари ҳисобидан 37 та болалар спорт майдончалари қурилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари дастурга қўшимча яна 80 та спорт майдончалари ҳамда “Work out”лар қуриш режалаштирилган.



Фарғона шахридаги А. Қодирий кўчасида жойлашган 187-189-сонли уйлarning олд қисмига 110 млн сўм маҳаллий бюджет маблағлари эвазига қурилиш ишлари якунланди. “Шакарқишлоқ” МФЙ ҳудудидаги Тарона кўчасидаги 16-17 кўп қаватли уйлар ҳудудида ҳам 120 млн сўм маблағ сарфланиб, замонавий болалар майдончаси қурилмоқда. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиғи байрами олди-дан у фойдаланишга топширилади.

Қурилиш моллари бозори қандай бўлиши керак?

Райхона ХЎЖАЕВА,
Исом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

Қурилиш моллари бозори қандай бўлиши керак? Буни Тошкент шахрида яқинда очилган “Гумбаз” қурилиш бозори мисолида кўриш мумкин. “Гумбаз” – бу қурилиш материаллари билан самарали ва қулай савдо қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган янги авлод тижорат платформасидир. Одатдаги қурилиш бозорларидан фарқи бу жойда барча тadbирлар профессионал менежерлар гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланади ва савдо масалаларида ёрдам беришади, маркетинг хизматларини кўрсатишади.



Шу йилнинг мартидан фаолиятини бошлаб, 3 гектар майдонни эгаллаган бозорда 300 дан ортиқ дўкон мавжуд. Айни пайтда уларнинг 190 тасида савдо авжида. Дўконлар махсус ойнаванд дераза-ром ва зшикли тарзда қурилган. Иссиқ, пол, кондиционер ва ҳудудда тadbирқору харидорлар учун сифатли интернет тизими йўлга қўйилган.

Гапнинг рости қурилиш моллари бозорлари сўнги асрларда бозор маданиятининг актив бўлимига айланди. Бугун мазкур олиш-сотиш тармоғи энг қийматли, иқтисодий фаол харид тармоқларидандир. Хўш, Ўзбекистонда бундай бозорларнинг аҳволи қандай? Улардаги муаммолар ва талаблар нималардан иборат?

Афсуски, миллий қурилиш бозорларимизнинг катта қисми янгиланишларга мухтож.

Бир қарашда бу мураккаб вазият бўлиб кўринади. Тошкент ҳалқа автомобиль йўлида жойлашган “Урикзор” бозори атрофлари ёки Фарғона йўли кўчасидаги катта-кичик қурилиш моллари олиб-сотиш билан шуғул-

ланадиган бозорлар санитария талабларига жавоб бермайди. Бу ерда қурилиш моллари ишлаб чиқарувчи ҳам, сотувчи ва восита-чи-ю, харидор ҳам топилади. Дўконлар, асосан, сотиб олинган ва бунда қатъий меъёрлар ўрнатилмаган. Махсулотларнинг асосий қисми шундоққина йўлнинг четига олиб чиқиб қўйилади. Бу эса йўлда ҳаракатланувчи ҳайдовчиларнинг эътирозларига сабаб бўляпти.

Пойтахтимизда яқиндан бир қанча сифат ва кафолати таъминланган қурилиш моллари бозорлари фаолият юритиб келяпти. “Гумбаз” қурилиш бозорининг янги авлоди, албатта, бу типдаги бозорларнинг комфорт бир тури ҳисобланса-да, амалда эски стилда сақланиб қолаётган ва аниқ бир тартиб-қоидага бўйсунмайдиган “кўча” бозорлари қайсидир маънода сифатли сервисга ихтисослашган бозорларнинг ривожланишига тўсиқ қўяётгандек! Бу вазиятда юқори сифат ва малакали сервис хизматларини кўрсатадиган қурилиш савдо марказларининг иш жараёнини кенгайтириш

мақбул ечим ҳисобланади, албатта. Масалан, “Гумбаз”нинг барча дўконлари бозор маъмуриятига тегишли бўлиб, сотув қисмларидаги тозалик ва интизом асосий ўринга кўтарилган. Бозорнинг техник ҳолати, фарқли об-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб қурилгани харидорлар учун қулайлик туғдириши мумкин. Бу эса, “кўча” ва тартибсиз бозорларнинг хунук кўринишидан афзалроқ.

“ГУМБАЗ” – ЯНГИ АВЛОД ҚУРИЛИШ БОЗОРИ

Бозор ҳудуди 6 блокдан иборат бўлиб, ҳар бирида маълум турдаги махсулотлар жойлаштирилган. Бу эса бошқа қурилиш бозорларида шу пайтгача кузатилмаган ва бу имконият харидорга қулайлик яратиш учун ҳамда ҳудудда тартиб-интизомни сақлаб туриш учун амалга оширилган.

А блокда электр асбоблари, эшик ва декор буюмлари мавжуд. Дўконлар сони 39 та. В блокда эса плиткалар ва бўёқ-лак махсулотлари сотилади, дўконлар сони 34 та. С блокдан пардоз материаллари ва сантехника махсулотлари ўрин олган. Дўконлар сони 78 та. Д блок электр жиҳозлари ва кабеллардан иборат. Дўконлар сони 45 тани ташкил қилади. Е блок шамоллатиш ва иситиш тизимлари дўконларидан ташкил топган. Ғ блокда эса қурилиш аралашмалари, минг хил майда моллар сотилади. Дўконлар сони 56 та.

Айни пайтда бозорнинг устки қисми ёпилмокда. Шунингдек, бозор ҳудудида голфкар ва юк ташиш учун бепул аравалар хизмати йўлга қўйилган. Голфкарнинг махсус бағаж ёрдамида 300 кг.гача бўлган юкни бемалол ташқарига олиб чиқиш имкони бор. Яна бир томони, юк машиналари бемалол ҳаракатланиши учун имконият яратилгандир. Сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида 300 ўринли номозхона, фаст-фуд, миллий таомлар, қаҳвахона ҳам мавжуд. Гумбазга асосий эшикдан ташқари, яна иккита эшикдан

ҳам кириш мумкин. Асосий эшик миллий меъморчилик услубида гумбаз шаклида қурилган. Бозор ташқарисида сотувчи ва харидорлар учун 1000 ўриндан ортиқ автомобиль турар жойлари қурилган.

– Бошқа бозорлардан фарқ шуки, ҳеч бир махсулот шунчаки кириб келолмайди, – дейди менежер Шаҳзод Мирсағатов. – Қурилиш материалларининг барчаси сараланган, сифатли махсулотлар. Хоҳ ўзимизники, хоҳ хорижики бўлсин, фақатгина расмий диллерлар билан келишган ҳолда биринчи қўлдан олганимиз учун нархлар бошқа бозорларга қараганда анча арзон. Дўконларнинг бир квадрат метрининг ўртача нархи 70-72 минг сўм. Яна бир ўзига хослик томони – дўконлар сотилмайди, ижарага берилади ва олувчилар учун енгиллик яратиш мақсадида чегирмалар, харидорларга эса акциялар ташкил этганмиз.

Бозор ҳудудини айланиб, сотувчилар фикри билан ҳам қизиқдик.

– Сантехника махсулотларини сотиш билан шуғулланаман, – дейди Отабек Қамбаралиев. – Аввал Қўйлиқ қурилиш бозорида дўконим бор эди. Бу бозор очилгач, шароит ва имкониятларни билгач, бу ерга кўчиб ўтдик. Сотувчилар учун қулайликлар кўп. Дўконлар чиройли. Махсулотларимиз асосан хориждан келтирилади.

ХОРИЖДА РЕКЛАМА-МАРКЕТИНГ ВА ҚУЛАЙЛИК АСОСИЙ ЎРИНДА

Бозорга бир кунда неча минглаб харидор келади. Ҳар бирининг талаб-истаклари турлича. Урта ёшлардаги эр-хотиннинг махсулотлар билан танишиб юрганини кўриб:

– Опа, кечирасиз, бу бозор сизга маъқулми?– деб сўрадик.

– Ҳа, яхши экан, – деди Яшнобод туманида яшовчи Шоира Холиқова. – Ҳовлимизни таъмирлаш ниятида эдик. Шу бозорни айланиб, сифатли материалларни танлаб, энг яхчисини олмокчимиз.

Шарқ бозорлари азалдан сершовқин ва гавжумлиги билан ажралиб турган. Асрлар сил-силасида инсонларнинг “бажара олиш” қобилияти юксалди. Оқибатда қадим бозорларнинг ҳам ташқи кўриниши ўзгарди. Соҳаларнинг айри-айри тараққий этиши билан улар турларга бўлинди. Охириг йилларда ҳаётимизга кириб келган энг ғаройиб сўзлар, шубҳасиз, “реклама” ва “рақамли” калимаси бўлса керак. Рақамли маркетинг, рақамли иқтисодиёт – булар замонавий бозор кўринишларидир. Реклама аллақачон савдонинг юрагига айланиб улгурди. Эндиликда истеъмолчилар олиш-сотиш ишларини интернет орқали амалга оширмокда.

Халқаро савдода озиқ-овқатдан тортиб, қурилиш молларигача ўзининг интернет дўконларига эга. Махсулотлар вертуал борлиқ воситасида харидорларга таклиф этилмокда. Бу жараёнларни қисқача қилиб “рақамли иқтисодиёт” деймиз. Аммо бу савдо жараёнлари Ўзбекистондаги барча соҳаларга чуқур кириб бормаган. Жумладан, қурилиш материалларининг онлайн савдоси ҳам шулардан биридир.

Масалан, сифатли онлайн рекламалар махсулотларнинг ҳаракатланишини ва бунинг натижасида сифатининг йўқолишидан асрайди. Қурилиш моллари ва бозорларида бу омил яққол кўзга ташланади. Йирик цемент, оҳак ва шунга ўхшаш хомашёларнинг кўзга қўйнарли ҳудуд ёки йўлакларда қолдирилганилигини кўрамиз. Булар ҳам одатда рекламанинг бир тури ҳисобланади.

Реклама-маркетинг модерн индустриянинг ўзига хос ёрдамчисига айланди. Кенг қамровли ва қизиқарли рекламалар эндиликда махсулот ва истеъмолчиларнинг харид қобилиятини ҳам мутаассир этмокда. Бу онлайн жараён махсулотларнинг реал ҳолатдаги олиш-сотиш ишларидан кўра самаралироқдир.

Келгусида “Гумбаз” каби замонавий қурилиш материаллари бозорларининг кўпайиши ҳисобига шаҳарлар ташқи қиёфасига ярашми турган эскича типдаги бозорлар ҳам ўзгаришидан умид қилиб қоламиз.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2021 йил 16 июлдаги 4/А-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2021 йил 22 ва 25 июндаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйдаги заргарлик буюмлари қўйилмокда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	2259	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 3,38 гр.	1 160 750,00
2.	2265	Кольцо деф. орм. 583 пр.; кулон деф. орм. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр. Общим весом 6,05 гр.	2 240 945,00
3.	2301	Кольцо с син. кам. 583 пр. Общим весом 5,44 гр.	1 842 500,00
4.	2328	Браслет с деф. 583 пр. Общим весом 3,72 гр.	1 266 800,00
5..	2384	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,10 гр.	736 550,00
6.	2401	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 15,75 гр.	5 251 250,00
7.	2423	Кольцо деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. 583 пр. Общим весом 3,17 гр.	1 085 000,00
8.	2433	Кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; серьги деф. орм. 583 пр. Общим весом 8,04 гр.	2 751 500,00
9.	2442	Кольцо с деф. с чер. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 13,00 гр.	4 266 500,00
10.	2457	Цепь с деф. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; браслет с деф. 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; серьги с берюз. кам. 583 пр.; серьга 1 шт. с бел. кам. с деф. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел-чер. кам. 583 пр. Общим весом 31,24 гр.	10 296 200,00
11.	2461	Цепь с деф. 583 пр.; кулон с деф. 583 пр.; серьги с деф. 583 пр. общим весом 6,81 гр.	2 297 000,00
12.	2490	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,90 гр.	1 312 250,00
13.	2526	Серьги с деф. с бел. и серен. кам. 583 пр. Общим весом 6,00 гр.	2 069 750,00
14.	2541	Цепь штамп звен. деф. орм. 583 пр.; браслет штамп звен. деф. орм. 583 пр.; браслет с деф. ек 583 пр.; серьги с деф. орм. слом. нет одного фрагм. (2 шт. фрагм.) 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 16,65 гр.	5 630 000,00
15.	2548	Серьги деф. орм. 583 пр. Общим весом 4,25 гр.	1 448 600,00
16.	2552	Браслет деф. орм. 583 пр.; кольцо с деф. ек. с брил. 3,25-3 шт. 750 пр.; серьги с деф. ек. с брил. 3,25-6 шт. 750 пр. Общим весом 20,03 гр.	7 599 500,00
17.	2553	Цепь с деф. ек. 583 пр. Общим весом 3,19 гр.	1 085 000,00
18.	2559	Колье деф. орм. 583 пр.; браслет с деф. 583 пр.; серьги с деф. 583 пр.; браслет с деф. деф. орм. с зел. кам. 583 пр. общим весом 27,92 гр.	9 417 500,00
19.	2560	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 47,46 гр.	15 932 000,00
20.	2563	Серьги деф. орм. 583 пр.; серьги деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. слом. 2 шт. фрагм. 583 пр.; браслет деф. орм. слом. 583 пр.; кулон деф. орм. 583 пр.; цепь деф. орм. 583 пр.; колье с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с жел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 51,68 гр.	16 916 750,00
21.	2618	Цепь штамп. звен. деф. орм. 583 пр. Общим весом 14,76 гр.	4 948 250,00
22.	2635	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 8,00 гр.	2 600 000,00
23.	2649	Кольцо с деф. с бел. и чер. кам. 583 пр. Общим весом 7,50 гр.	2 524 250,00
24.	2710	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,10 гр.	1 085 000,00
25.	2719	Кольцо с деф. с бел. и фиол. кам. 583 пр.; кулон деф. ор. 583 пр.; кольцо 583 пр.; кольцо с деф. ек. с зел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 14,54 гр.	4 872 500,00
26.	2732	Серьги с деф. с бел. и гол. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,10 гр.	2 751 500,00
27.	2750	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,50 гр.	978 950,00
28.	2772	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,00 гр.	1 160 750,00
29.	2774	Кулон с деф. с бел. кам. 583 пр.; кулон деф. орм. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; кулон с деф. с бел. кам. 583 пр.; цепь с подвес. с деф. с бел. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. жем. и кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 24,99 гр.	8 768 575,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
30.	2778	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 4,70 гр.	1 842 500,00
31.	2834	Серьги с деф. с бел. и син. кам. 583 пр. Общим весом 1,50 гр.	600 200,00
32.	2837	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 1,50 гр.	600 200,00
33.	2870	Кольцо с деф. с бел кам 583 пр. Общим весом 2,60 гр.	1 009 250,00
34.	2871	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 24,30 гр.	9 114 500,00
35.	2916	Кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,70 гр.	2 948 450,00
36.	2933	Серьги с деф. с брил. оск. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; браслет 583 пр.; кулон деф. орм. 583 пр. Общим весом 15,60 гр.	6 084 500,00
37.	2962	Кулон с деф. с бел. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. и зел. кам. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; браслет с деф. 583 пр. Общим весом 18,60 гр.	7 069 250,00
38.	3004	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 4,00 гр.	1 539 500,00
39.	3020	Кольцо деф. орм. с бел. и жел. кам. 583 пр. Общим весом 2,30 гр.	903 200,00
40.	3048	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 3,17 гр.	1 158 932,00
41.	3103	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,00 гр.	2 675 750,00
42.	3130	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кулон с деф. ек 583 пр.; серьги с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с роз. кам. 583 пр. Общим весом 13,53 гр.	5 175 500,00
43.	3141	Кольцо с деф. с бел кам 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. нет фрагм. с брилл. оскол. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. и зел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с брилл. оскол. 583 пр. Общим весом 14,53 гр.	5 554 250,00
44.	3150	Браслет штамп. звен. деф. орм. слом. 583 пр. Общим весом 2,29 гр.	848 326,70
45.	3166	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,75 гр.	1 281 950,00
46.	3204	Серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 6,00 гр.	2 024 300,00
47.	3273	Цепь с деф. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 13,52 гр.	5 175 500,00
48.	3357	Кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. слом. с бел. кам. 583 пр.; серьга 1 шт. деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 3,70 гр.	1 433 450,00
49.	3395	Браслет с деф. с эмал. 583 пр.; браслет с деф. ек. 750 пр. Общим весом 7,82 гр.	3 357 500,00
50.	3480	Серьги с деф. 583 пр. Общим весом 4,01 гр.	1 539 500,00
51.	3530	Кольцо деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 11,23 гр.	3 812 000,00
52.	3541	Серьги деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; браслет деф. орм. 583 пр. Общим весом 13,48 гр.	5 175 500,00
53.	3554	Серьги деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. 583 пр. Общим весом 2,83 гр.	1 100 150,00
54.	3567	Браслет с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,00 гр.	2 675 750,00
55.	3601	Кольцо с жем. кам. и брилл. 2,25-12 шт. 750 пр. Общим весом 5,00 гр.	2 600 000,00
56.	3605	Колье деф. орм. 750 пр.; серьги деф. орм. 750 пр.; браслет деф. орм. 750 пр. Общим весом 26,50 гр.	10 629 500,00
57.	3607	Кольцо деф. орм. с разн. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с зел. кам. 583 пр. Общим весом 5,30 гр.	2 039 450,00
58.	3608	Кольцо деф. орм. 375 пр.; кольцо денформ. 375 пр. Общим весом 7,84 гр.	1 842 500,00
59.	3634	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 8,40 гр.	2 872 700,00
60.	3646	Кольцо с бел. кам. 583 пр.; кулон с бел. кам. 583 пр.; серьги с бел. кам. 583 пр. Общим весом 10,00 гр.	3 557 227,50
61.	3653	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 13,30 гр.	5 099 750,00
62.	3669	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 1,82 гр.	706 250,00
63.	3670	Браслет с деф. 750 пр. Общим весом 10,24 гр.	4 721 000,00
64.	3671	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 21,58 гр.	8 205 500,00
65.	3688	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. ек. 583 пр.; кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 15,17 гр.	5 781 500,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлари номи	Бошлангич баҳоси, сўмда
66.	3690	Кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 1,60 гр.	630 500,00
67.	3701	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 8,00 гр.	3 054 500,00
68.	3739	Кольцо деф. орм. 583 пр. Общим весом 2,65 гр.	933 500,00
69.	3755	Браслет с деф. с роз. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. и гол. кам. 583 пр. Общим весом 27,00 гр.	10 250 750,00
70.	3761	Кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; цепь с деф. 583 пр.; серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 24,60 гр.	9 341 750,00
71.	3766	Браслет с деф. 583 пр. Общим весом 5,59 гр.	1 539 500,00
72.	3773	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 1,88 гр.	782 000,00
73.	3784	Браслет звен. деф. орм. штамп. слом. 2 шт. фрагм. 583 пр.; серьги деф. орм. с бирюз. кам. слом. нет одного фрагм. (2 шт. фрагм.) 583 пр.; серьги деф. орм. с роз. кам. 375 пр.; фрагм. изделия 1 шт. деф. орм. 375 пр. Общим весом 6,40 гр.	1 994 000,00
74.	3843	Серьги с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 10,80 гр.	3 660 500,00
75.	3847	Серьги деф. орм. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. без фрагм. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. и зел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с роз. кам. 375 пр. Общим весом 17,84 гр.	6 008 750,00
76.	3910	Кольцо деф. орм. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. и зел. кам. 583 пр. Общим весом 5,38 гр.	2 069 750,00
77.	3913	Браслет с деф. слом. 2 шт. фрагм. 583 пр. Общим весом 3,48 гр.	1 236 500,00
78.	3914	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 4,70 гр.	1 418 300,00
79.	3932	Кольцо с деф. 583 пр.; цепь с деф. без зам. 750 пр. Общим весом 24,64 гр.	10 705 250,00
80.	3990	Цепь с деф. 583 пр.; браслет зв. деф. орм. 583 пр.; кольцо деф. орм. слом. 583 пр.; кольцо деф. орм. слом. 2 шт. фрагм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 23,09 гр.	8 811 500,00
81.	3996	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. с бел. кам. 583 пр.; кольцо с деф. ек. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 11,00 гр.	4 266 500,00
82.	4007	Цепь с деф. 583 пр. Общим весом 5,38 гр.	2 069 750,00
83.	4019	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 5,60 гр.	2 145 500,00
84.	4080	Кулон деф. орм. с бел. кам. и эмал. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 6,00 гр.	2 327 300,00
85.	4090	Кольцо деф. орм. с бел. кам. 583 пр.; браслет звен. деф. орм. штамп. 583 пр.; серьги деф. орм. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 7,71 гр.	2 948 450,00
86.	4092	Кольцо с деф. 583 пр. Общим весом 2,52 гр.	1 433 450,00
87.	4128	Кольцо деф. орм. 583 пр. Общим весом 7,52 гр.	2 903 000,00
88.	4129	Серьги с деф. с бел. кам. 583 пр.; серьги с деф. с бел. кам. 583 пр. Общим весом 2,30 гр.	857 750,00
Жами бошлангич баҳоси			328 440 156,20

Президент ташрифидан сўнг

Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Жорий йилнинг 15-16 апрель кунлари давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари билан учрашиб, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, “маҳаллабай” ишлаш тизими асосида аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди.

Мазкур учрашув чоғида Пастдаргом тумани ҳокими Ш. Худойбердиев Президентимизга мурожаат қилиб, аҳолиси асосан мебелчилик билан шуғулланадиган Қорағуппа қишлоғида кичик саноат зонаси ташкил этишда ёрдам сўраган эди. Давлатимиз раҳбари, маҳаллалардаги бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолининг бандлигини таъминлашда бу муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, албатта, масала ижобий ҳал этилишини билдирганди.

Шу йилнинг 21 июнь кунги Президентимиз томонидан “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди. Унга кўра, мамлакатимизнинг барча вилоятларида, жумладан, Самарқандда ҳам Пастдаргом туманининг Қорағуппа маҳалласида кластер усулида мебел маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этиладиган бўлди. Бунинг учун 2,5 гектар ер ажратилиши белгиланди.

– Маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди Қорағуппа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Шарипов. – Корхона-ташкilotларда ишлайдиганлар ҳам бор, лекин кўпчилик уй шароитида касаначилик, хунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва тадбиркорликнинг бошқа соҳалари билан шуғулланади. Айниқса, мебел ишлаб чиқарувчилар жуда кўп. Дастлаб, уч-тўрт нафар усталаримиз шу фаолият билан шуғулланиб, ёнига ўзининг қариндош-уруғини олиб, яхши даромад қила бошлади. Кейин уларнинг қаторига қўни-қўшнилар кирди, хонадонларда кичик цехлар пайдо бўлди. Ҳозир маҳалламизда 70 дан ортиқ мебел ясовчи уста бор. Уларнинг ҳар бири 5-10 нафардан ёшларга шу касбни ўргатмоқда. Хонадонлар торлик қилиб, каттароқ цехларга эҳтиёж сезилаётган

ди. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан мебелсозлик бўйича кичик саноат зонаси ташкил этиладиган бўлади. Шу пайтгача тадбиркорлар уй шароитида кичик устакхонада мебел ясаётган бўлса, эндиликда ўз ишлаб чиқариш цехларида фаолиятни давом эттириш имконияти яратилди. Бу ҳам ёшларимизнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириб, аҳоли даромадлари ортishiга хизмат қилади. Асосийси, ишсизлик муаммоси бартараф этилди. Бандлик даражаси юқори бўлгани учун маҳалламизда кам таъминланган оилалар деярли қолмади, ажримлар кескин камайди.

Шу маҳаллада яшовчи Жўрабек Ҳасанов мебел билан шуғулланишни савдо-сотикдан бошлаган. Кейин эса ўзи шу хунарни ўрганиб, бу ишни тадбиркорлик даражасига кўтарган.

– Бозорда мебел олдси-сотдиси билан шуғулланиб юриб, “нега шу ишни мен қилолмас эканман?” деб ўзимга савол бердим ва олдимга қатъий мақсад қўйиб, 4-5 беш йил устага шогирд тушдим у ҳунар ўргандим, – дейди уста тадбиркор Жўрабек Ҳасанов. – Ёғочни маҳаллий бозордан, қолпама моталарини Тошкент шаҳри орқали Хитойдан оламиз. Ҳозир уйдаги цехда буюртма асосида ҳафтасига 2-3 тадан мебел ясаймиз. Харидорларнинг ўзлари келиб олиб кетишади. Бундан ташқари, бозорга ҳам маҳсулот чиқарамиз. Ёшларни ёнимга олиб, ҳунар ўргатялман. Маҳалламизда мебелчилик кичик саноат зонаси ташкил этилишини эшитиб, хурсанд бўлдим. Биз ҳам бу саноат зонасига қўшилиб, кенгроқ жойда фаолиятимизни давом эттирамиз.

Қарорга кўра, кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонлари мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади ва уларга эгаллик қилишнинг мажбурий шарти мебел ва унинг бўловчи қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳисобланади. Кичик саноат зоналарининг ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қўриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари давлат томонидан амалга оширилади. Шунингдек, электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқларини қўриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари таъминотчи корхоналар маблаглари ҳисобидан бажарилади. Бундан ташқари, мебел ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларга ҳам бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилаяптики, бу мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун жуда катта имкониятдир.

Маҳалла ва хонадонларнинг “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” АНИҚЛАНЯПТИ

Шухрат СУЯРОВ,
ЎЗА мухбири.

Маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, уни аҳолига яқин маслакдош тузилмага айлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада олиб борилаётган ислохотлар маҳалланинг нуфузини ошириб, одамларнинг қувонч-у ташвишларини, муаммоларига ечим топадиган, ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган масканга айлантирмоқда.

Айни вақтда ҳар бир маҳалла ва оилаларнинг “ўсиш нуқталари” аниқланмоқда. Маҳаллани иқтисодий ривожлантиришдаги камчилик ва тўсиқларни бартараф этиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларининг узлуksиз фаолият юритиши, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилалардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш сингари муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг учун Сирдарё вилоятининг барча туманлари, хусусан, Бёёвут туманида ҳам ана шундай ўрганиш ишлари амалга оширилди. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига масъул раҳбар сифатида бириктирилган Ўзбекистон Республи-

каси Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш. Кудбиев, Микрокредитбанк бошқаруви раиси О. Бўтаев, Давлат геология кўмитаси раиси Б. Исламов ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси И. Хайдаров бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан бу борадаги вазият ўрганилди.

Ўрганиш давомида тумандаги 39 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 5 таси – “яхши”, 29 таси – “ўрта” ва 7 таси – “оғир” тоифаларга ажратиб олинди. Ана шу оғир тоифадаги 7 та маҳалланинг жойлашуви, ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бирининг ўсиш нуқтаси аниқлаб олинди ва ҳар бир йўналиш бўйича лидер тадбиркорларга бириктирилди.

Тумандаги маҳалаларнинг “ўсиш нуқтаси”дан келиб чиқиб, 6 та асосий драйвер йўналишлар ҳам белгилаб олинди. Жумладан, тумандаги 4 та МФЙда чорвачилик, 22 та МФЙда деҳқончилик ва томорқа, 2 та МФЙда боғдорчилик, 7 та МФЙда хизмат кўрсатиш, 2 та МФЙда паррандачилик ва яна 2 та МФЙда иссиқхона бизнесини ривожлантиришга куч, имконият ва аҳолининг етарли даражада тажриба, қўникмалари борлиги аниқланди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, масъуллар фақат маҳалланинг ўсиш нуқтаси ва унинг драйверини ўрганибгина қолмай, ҳар бир хонадоннинг ҳам драйверини аниқлашга ҳаракат қилмоқда. Бунда маҳаллалардаги хонадон эгаларининг лаёқати ва меҳнат қўникмаларига ҳам эътибор қаратиляпти.

Бунёдкорликни таъминлашда ҚУРИЛИШ ИЛМ-ФАНИНИНГ РОЛИ

Равшан НУРИМБЕТОВ,
ТАҚИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.

Давлатимиз раҳбари яқинда ўтказилган селектор йиғилишида билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳада сезилаётгани, ёшлардан вазирлар тайинланса-да, аммо қуйи поғоналарда, билимсизлик сабаб ташаббус кўрсатмаётганини таъкидлаб ўтди. Ҳолбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ҳамда билимларсиз ривожлантириб бўлмайди.

Тараққий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиғи билимлар иқтисодиёти ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани бунинг яққол исботлаб турибди. Ҳеч шубҳасиз, ёшларнинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишонч уларни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу вазифаларни улкан амалий ишларга айлантиришда ёшлар ҳар доим олдинги сафларда бўлиши лозим.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамыз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, қурилиш, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди. Бунинг давлатимиз раҳбари бир неча марта тақдорлаб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни тақлиф қилди.

Демак, таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиш, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишларни ташкил қилишда камарбаста бўлишимиз лозим. Эеро, ушбу сайёҳаракатлар мамлакатимиз тараққиётини таъминловчи муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хусусан, республикамизда архитектура ва қурилиш соҳасида олий малакали кадрлар тайёрлаш борасида етакчи ҳисоб-



ланган Тошкент архитектура-қурилиш институтида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим сифатини оширишда илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги ишлар натижаси муҳим ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан институтда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти. 2021 йилда Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2 та, жумладан, 1 та амалий (300,0 млн сўм) ва 1 та инновацион (577,019 млн сўм) лойиҳа бўйича, жами 877,019 млн сўмлик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида институт профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан илмий-тадқиқотлар натижаси бўйича 4 та монография, хорижий журналларда 80 та (12 таси – “Scopus”да), республика журналларида 74 та илмий мақола, халқаро миқёсдаги конференцияларда 58 та ва маҳаллий конференцияларда 21 та тезислар чоп этилган, 3 та фойдаланиш моделга (FAP 01590; FAP 01602; FAP 01605) ва 2 та Саноат намунасига (SAP 02097; SAP 02102) патент, 2 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномаси (DGU 10078; DGU 11492) олинган.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган ишларга Web of Science, Scopus, Google Scholar тизимларида 800 дан ортиқ иқтисодик мажмууд, Scopus тизимида Хириш (h-)индексига эга професор-ўқитувчи ва илмий ходимлар сони 2019 йилда 3,2020 йилда 16 нафарини, 2021 йилда 24 тани ташкил этди. Институтда профессор-ўқитувчилар ва ёш

олимларнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базаларида индексацияланган журналларда мақолаларини чоп этишлариға кўмаклашиш мақсадида маслаҳат гуруҳи ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари ҳамда докторантларининг ҳар бирига халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан, жумладан Scopus тизимидан фойдаланиш учун логин ва пароллар белгилаб берилган. Улар учун ушбу тизимга кириш ва ундан фойдаланиш бўйича семинар-тренинглр ўтказилмоқда.

Институт кафедралари томонидан 50 дан ортиқ лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари ҳамда ОТМ ва ИТИлар билан ўзаро инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ҳар бир мутахассислик кафедрасида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилган. Институтнинг мутахассислик кафедраларида ташкил этилган 15 та инновацион гуруҳлар томонидан корхона ва ташкилотларнинг техник, технологик, лойиҳалаш ҳамда хом ашё масалалари бўйича долзарб муаммолари бўйича мониторинг олиб бориш йўлга қўйилган. Инновацион гуруҳлар томонидан корхоналарнинг 80 дан ортиқ илмий-технологик муаммолари танлаб олинган. Институтда фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини янада ривожлантириш мақсадида инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномалари асосида 200 га яқин битирув малакавий ишлари, 80 дан ортиқ магистрлик ҳамда 20 дан ортиқ докторлик диссертациялари устида иш олиб борилиши режалаштирилган.

Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилаётган илмий-инновацион ишланмалар институт қошидаги “Архитектура, қурилиш, интеграция ва инновация маркази” шўъба корхонаси билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ этиб келиняпти. Илмий изланишлар натижалари ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш мақсадида Марказда лойиҳа ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган ҳўжалик шартномалари асосида 418,050 млн сўмлик ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги “2017-2021 йилларда республикадаги олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-4724-сон фармойишига асосан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури лойиҳасига киритилган Тошкент архитектура-қурилиш институти қошида “Қурилиш материаллари” илмий лабораторияси ташкил этиш режалаштирилган. Лабораториянинг концепцияси, низоми, мақсади ва вазифалари ишлаб чиқилди. Институтда мавжуд илмий салоҳият ва илмий мактаблар асосида лабораториянинг илмий йўналишлари белгиланган. Лаборатория қурилмалари, ўлчаш приборлари ва асбоб-ускуналар рўйхати (1600,0 минг АҚШ доллари) буюртма сифатида шакллантирилган.

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичлар асосида таъкидлайдиган бўлсак, ушбу ютуқлар заминида мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қамровли изчил ислохотлар натижаси намоён бўлади.

“Ақлли” ҳисоблагичлар – давр талаби

Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларидаги аҳоли хонадонларига “Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиали томонидан “ақлли” электрон газ ҳисоблагичлари ўрнатила бошланди. Ҳўш, бу янгиллик газ таъминотчиси ва истеъмолчига нима беради?

Авваламбор, мазкур ҳисоблагичлар олдингиларидан фарқли ўлароқ газ таъминоти корхонасининг мулки бўлиб, уларни ўрнатиш, ечиш ва таъмирлаш харажатларини ҳам газ таъминотчисининг ўзи қоплайди. Харидордан эса янги қурилмани соз ҳолатда сақлаш талаб этилади, холос. Пировардида, ушбу янгиллик воқеали тақозоси эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда ҳозирда фойдаланилаётган газ ҳисоблагичлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Чунки, уларнинг аксарияти бундан камида 10 йил олдин ўрнатилган ва носозларининг ярмини таъмирлаш имкони йўқ. Шу боисдан гоҳида “зангори ёқилиш” ҳисоб-китобида аниқликнинг йўқлиги сабабли сотувчи билан харидор орасида зиддиятли вазиятлар келиб чиқishi кузатилади. “Ақлли” ҳисоблагичлар эса бундай нохуш ҳолатларга барҳам беради.

Янги ҳисоблагичлар худди мобил телефон каби сим-карта ва аккумулятор-батареядан қувват олиб ишлайди ҳамда диспетчерлик хизматига тўғридан-тўғри симсиз алоқа ёрдамида уланади. Диспетчер мониторинга қайси хонадонга айна дақиқада қанча газ берилаяпти, қайси бирига умуман берилмаяпти, қарерда қандай носозлик бор, барчаси кўриниб туради ва ҳисоблагичда қарз юзага келиши билан газ бериш автоматик тарзда, токи пул тўлангунга қадар тўхтатилади. Қарздорлик пайдо бўлишига яқин қолганда ҳисоблагич пул тўлашингиз лозимлиги тўғрисида мобил телефонингизга хабар (sms) юборади ва дам олиш ҳамда байрам кунларидан бошқа вақтдагина қарздорга газ беришни тўхтатади. Сабаби, у банк ишламайдиган кунлари кассага пул тўлаи олмаслигиниғизни билади. Қолаверса, барча юзага келиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олади. Қарздорлик туфайли газ бериш тўхтатилган, сиз пул тўлаб қарзни узгандан кейин



ҳам ҳисоблагич, токи сиз уйдаги барча очик қолган газ кранларини беркитмагунингизгача, газни ўтказмайди. Шу тариқа, эътиборсизлик оқибатида ёнғин қоршининг олдини олади. Бундан ташқари, сиз уйингизда қўшимча равишда ўчоқ, танدير ёки иссиқхонани табиий газ тармоғига уласангиз, истеъмол қилинаётган газ босимиға эҳтиёж белгиланганидан ошиб кетса, ҳисоблагич газ бермай қўяди.

Янги “ақлли” электрон газ ҳисоблагичлари мамлакатимизда газни истеъмолчига етиб бориши жараёнидаги барча йўқотишларга барҳам беради.

Жорий йил якунига қадар вилоятда 107 833 дона замонавий газ ҳисоблагичи ўрнатилиши белгиланган.



Суратларда: “Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиали фойлитидан лавжалар. Жонибек ҚЎЗИМУРОВОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


– Ойижон, энди биз ҳам Ситида яшаймиз-а? – Нега бундай деяпсан, қизим? – Қаранг, кўчамиз, маҳалламиз роса чиройли бўлди-ку, худди Тошкент Ситига ўхшайди... Атрофга боқдим. Кундалик ташвишлар билан бўлиб, маҳалладаги ўзгаришларга эътибор бермабман. Кўчамиз ҳақиқатан жуда чиройли эди, айниқса, тунги чироқлар ёғдусида янада жозибали кўринарди. Қизим айтгандек, ҳақиқий Тошкент Сити. – Рост айтсан, қизим. Маҳалламиз ҳеч қайси Ситидан қолишмайди.

Бугун бир қадам боссангиз, йўлингиздан камида учта қурилиш чиқиши ҳам бор гап. Бу бунёдкорлик, ободлик белгисидир. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг эса санаб адоғига етиб бўлмайди.

Юртбошимизнинг назари тушган маҳаллада яшаш қайси биримизга фахр туйғусини бағишламайди дейсиз? Туманга ташириги чоғида Президентимиз "Обод маҳалла" доирасида амалга оширилган ишлар билан танишар экан, халққа қарата, "Ҳар бир маҳаллани мана шундай чиройли қилишимиз керак" дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, "Обод маҳалла" дастури доирасида биргина Тепакўрғон маҳалласида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қисқа муддатда бундай янгиланиш эса, нафақат маҳалла аҳли, балки юрт раҳбарининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Бир сўз билан айтганда, энг улуғ, энг азиз байрамга бу янгиланишлар аризирли туғфадир.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча чора-тадбирлар маҳаллалар кесимида амалга оширилишини таъкидлаган эди. Мутасаддиларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, "ўшиш нуқталари"ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифаси қўйилганидан ҳам хабардормиз. Тепакўрғон маҳалласи ҳам шу тарзда обод қилинди.



Маҳаллада 30 та кўп қаватли уйда 6 минг 150 нафар аҳоли яшайди. Худудда иккита 100 ўринли МТТ, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият юритмоқда. Маҳалла 2016 йил ташкил этилган, майдони 28,5 гектар. Бу жойга яқин орада келмаган киши адашиб қолиши ҳеч гап эмас. Йўللар, йўлаклар, дарактзорлар обод қилинган. Болалар ўйингоҳлари қурилиб, спорт қурилмалари ўрнатилди. 40 та кичик бизнес субъектида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Яқинда бу ерда яна бир ишлаб чиқариш корхонаси – "Euroasia print" босмахонаси қуриб битказилди. Унда 60 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

"Мана шу шукроналикни, инсоф сари барака эканини халқимизга, ёшларимизга етказиш керак. Ўз маҳаллангизда қўриб турибсизлар. Мана интилса, қилса бўлар экан-ку. Бундай ўзгаришларнинг энг катта замини – юртимиздаги тинчлик-осойишталик. Бунинг қадрига етиб, ҳар бир маҳаллани мана шундай чиройли, тартибли қилишимиз зарур. Баландревоз гапсиз, меҳнатимиз билан халқимизни рози қилишимиз керак", дегандаи Шавкат Мирзиёев маҳалланинг янги қиёфасини кўздан кечирав чоғда.

МАҲАЛЛАМИЗ СИТИЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИ!



Айниқса, маҳалла худудида барпо этилган сайилгоҳлар аҳолининг қувончига сабаб бўлди. Шунингдек, болалар майдончаси ва Street Workout қурилиши маҳалланинг замонавий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

– Мана шу чиройли майдонча ўрнида 7 қаватли уй қурилиши режалаштирилган эди, – дейди Тепакўрғон маҳалласида яшовчи Саломат Суюнова. – Юртбошимиз кўрсатмасига мувофиқ, халқ билан келишилган ҳолда қурилсин дейилди. Биз эса уй қурилишига рози бўлмадик. Ўрнига мана шундай ажойиб боғ яратилди. Кексалар шу иссиқда паркларга боришга қийналади. Энди боғнинг ўзи ёнгинамизга келди. Бу ўзгаришларни кўриб, Янги Ўзбекистон, янги маҳалладан бошланади, дегим келяпти.

Шунингдек, дастур доирасида маҳалладаги уйлارнинг катта қисми-

ла" дастури доирасида бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини кўрасиз. Тепакўрғоннинг ён қўшини, Заргарлик маҳалласидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳам аҳолининг қувончига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, Махсуд Шайхизода кўчаси ҳақиқий сайилгоҳ қурилишига келтирилган. Бу ўзгаришларни маҳалла аҳли юртимиз мустақиллигининг 30 йиллик тўйига тўхфа деб қабул қилмоқда. Ёзнинг жазирама кунларида маҳалла чиройига чирой қўшиб турувчи "Salomatlik yo'lakhasi" ҳаммаша гавжум. Айниқса, кечки пайт бу масканда жўшқин ҳаёт бошланади. Мазкур йўлакча 870 метрли бўлиб, аҳоли дам олиши учун 50 та ўриндиқ ўрнатилган. Шунингдек, ушбу кўчанинг атрофини замонавий ёриткичлар безатиб турибди. Қолаверса, болалар учун спорт майдончалари ва "Street Workout"лар ҳам ушбу кўчада мўжассам. Нафақат кундалик сайр, ҳаттоки, маҳалла ва туман миқёсидаги маданий тадбирлару спорт мусобақаларини ўтказиш учун ҳам бу ер энг қулай масканга айланган. Ҳафтанинг ҳар дам олиш кунлари туман маданият бўлими томонидан концерт дастурларининг ташкил этилиши эса кўчанинг янада гавжумлашишига сабаб бўлмоқда.

– Заргарлик маҳалласида "Обод маҳалла" давлат дастури доирасидаги бунёдкорлик ишларига 50 дан ортиқ техника жалб қилиниб, маҳалла аҳли 500 нафар қурувчининг меҳнати эвазига кўркам масканга эга бўлишди, – дейди маҳалла раиси Хўжаёр Раҳматов. – Маҳалладаги 32, 33, 34, 65-уйларнинг атрофида ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилиб, янги авто тураргоҳлар, болалар майдончалари ва пидеалар йўлакларини қурилди. 800 квадрат метр жойига асфальт қопламалари ётқизилди. Хусусан, 43, 44, 48 ва 50-кўп қаватли уйлارнинг атрофи тўла асфальтлаштирилди. 36, 37, 38 ва 39-кўп қаватли уйлар оралигида болалар учун спорт майдончалари бунёд этилди. Шунингдек, 65 ва 66-уйларнинг фасад қисмлари тўла таъмирланди.

– 30 йилдан буён шу маҳаллада яшаб бундай ўзгаришлар бўлишини тасаввур ҳам қилмаганмиз, – дейди Заргарлик маҳалласида яшовчи Ҳасима Собирова. – Орзуимиздагидан ҳам зиёдор ободончилик ишлари амалга оширилди. Уйларимизни қаранг, қандай чиройли бўлди. Олдинги уй билан ҳозиргисини умуман солиштириб бўлмайди. Йўлакларда юриб бўлмасди, фарзандларимиз велосипедда юролмасди. Кўчага чиқса, йиқилиб тушишдан кўрқиб ўтирардик. Ҳозир эса нинга ташласангиз топиб оласиз бу асфальтдан. Тўғриси айтсам, бирор меҳмон келса, маҳалла ичкарасига олиб киришга уялардик. Бугун маҳалламиз гўёки шаҳар марказига ўхшайди.

Учтепа туманида айни пайтда 60 та ана шундай кўркам маҳалла мавжуд. Шундан 674 таси кўп қаватли ҳамда 18 764 та якка тартибдаги уйлардир. Аҳолиси 280 406 нафар, худуди 2 814 гектарни ташкил этади. Туманда 6 та марказий ва 528 та ички кўчалар, 249 та ихтимой соҳа объеклари, 1 885 та саноат корхоналари, 8 787 та кичик

бизнес субъектлари мавжуд. Буларнинг барчаси туман иқтисодиётининг ўсишига хизмат кўрсатмоқда.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берилган. Хусусан, Учтепа туманида жойлашган кичик-саноат зонасида 16 та лойиҳа амалга оширилиб, уларнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 115,3 млрд сўмни ташкил этади. Ҳозирда туман кичик саноат зонасида 61 млрд сўмлик инвестиция жалб этилган бўлиб, 10 та янги лойиҳа тўлиқ ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 170 та янги иш ўрни яратилган.

Бу борада туман ҳокимлигининг Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

– Жорий йилда умумий қиймати 2 триллион 690 миллиард сўмга тенг бўлган 92 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган ва бу орқали Учтепа тумани аҳолиси учун 6 059 нафар иш ўрни яратилиши ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган, – дейди туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими бош мутахассиси Дилшод Амиркулов. – Бундан ташқари, яна кўшимча лойиҳалар устида ҳам изланиш олиб борилмоқда. Туманнинг инвестицион салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йилнинг ўзида 5 та инвестицион лойиҳамиз ишга тушиши натижасида 3000 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Келажакда яна шундай йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳаракат қиляпмиз.

Учтепа туманига бириктирилган вазирликлар томонидан маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратирилмоқда. Бу ишларга 3,8 мингдан ортиқ ишчи-ҳашарчилар, 232 та махсус техника жалб этилиб, маҳаллалар обод бўлишга айланмоқда. Худудлардан 561 тонна чиқиндилар олиб чиқилиб, 10 889 дан ортиқ дарахтларга шакл берилди ва оқланди. 10 425 га яқин мевағли ва манзарали кўчатлар ўтказилди. Кўп қаватли уйлارнинг том қисми, ертўлалари таъмирланди, фасад қисми бўйлиб, видео кузатув камералари ўрнатилди. Эски симёғочлар темир-бетон устунларга алмаштирилиб, тунги ёриткич устунларга LED чироқлар (лампочкалар) ўрнатилди. 87 та болалар майдончаси (шундан



19 таси янгидан қурилиб, 68 таси таъмирланиши режалаштирилган), 5 та Street Workout спорт майдончаси, 7 та футбол, волейбол, баскетбол, бадминтон ўйингоҳлари барпо этилмоқда.

Хусусан, Молия вазирлигига бириктирилган 10 та маҳаллада ички йўллار, ихтимой соҳа объектлари, кўп қаватли уйлари таъмирлаш, дренаж тизимларини яхшилаш, худудларни ободонлаштириш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш бўйича бир қанча самарали ишлар бажариляпти. 6 та маҳаллада 2,5 миллиард сўмлик маблағ эвазига дренаж ишлари амалга оширилиб, 5 та кўп қаватли уйнинг том қисми янгиланди. 19, 186, 393, 450-сонли МТЛларнинг 24 та янги қуриладиган ва 18 та таъмирланадиган беседкалари учун 1 млрд 971 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда таъмирлаш ишлари авжида.

Шунингдек, "Товар хом-ашё биржаси" АЖ томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, 1,1 млрд сўм маблағ эвазига "Пахтакор" МФЙда жойлашган 81-сон ихтисослаштирилган мактабнинг 2 000 квадрат метр бўш худудида ўқувчилар, маҳалла аҳолиси фойдаланиши учун спорт майдончасининг қурилиши кўпчилигининг қувончига сабаб бўлди. "Оқ мачит" маҳалласи худудидаги анчадан бери қаровсиз ҳолатда турган болалар футбол майдончасига чим ётқизилиб, ён-атрофлари ободонлаштирилди. Кўшимча спорт майдончаси ҳам барпо этилди.

Ишчи гуруҳ томонидан маҳаллаларда ихтимой-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб айнан Учтепа туманида замонавий усулда фаолият юритадиган намунавий чиқинди ташлаш майдончаси ташкил қилинган. Бу каби майдончалар тез фурсатда туманнинг барча худудида ўрнатилиши режалаштириляпти. Айтишларига, ушбу мобил қурилма ҳар томонлама қулай бўлиб, атроф-муҳитни тоза-озода сақлаш, санитар-гигиена қоидаларига амал қилишда жуда қўл келади. Ушбу кўча чиқинди йиғиш қурилмаси ёрдамида ногирон инсонлар ва ёлғиз қарияларнинг уйларидаги чиқиндиларни йиғиб олиш мумкин. Шу йилни охиригача 2-сектор худудида мана шундай 20 та замонавий мобил чиқиндиҳона барпо этиш режалаштирилган. Кейинги йилда эса ҳар битта маҳаллага, ҳар битта чиқинди йиғиш шохобчасига биттадан шундай қурилма ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг афзаллиги шундаки, унда чиқиндиларни ўша жойни ўзида қайта ишлаш (обработка) имконияти мавжуд.

Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан "Ish boi, hunar boi" кўча мобил автобусида ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, туманнинг Дирёобод ва Дийдор маҳаллаларида истикомат қилувчи ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида, марказнинг секторларга бириктирилган ишга жойлаштириш инспектор-

лари билан фуқаролар ўртасида суҳбатлар уюштирилиб, ишсизлар ишга жойлаштирилиб, бошқаларига эса ўқиш учун йўлланмалар берилди. Бу каби тадбирлар барча маҳаллаларда ўтказилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамига Учтепа туманида тайёргарлик авжида. Келгусида амалга оширилажак қурилиш, бунёдкорлик ишлари эса ҳали жуда кўп...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль – сешанбага тўғри келишини инобатга олиб ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдиги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишлан-майдаган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида" ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 21–22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари сифатида белгилангани сабабли газетамизнинг ушбу сони 23 июлдаги сони билан қўшилган ҳолда чоп этилаётганини ва газетамизнинг келгуси сони 27 июль кунги чиқишини маълум қиламиз.

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Юль ойининг шу кунларига таваллуд айёминларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш бўлими бошлиғи **Марат Загритдинов**, Архитектура ва ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Азиз Рустамов**, Рудрат ва махсус-монтаж ишлари бозорини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Таир Алиматов**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Рустам Худойров**,

Андижон вилояти, Пахта-обод тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Аъзамжон Иброҳимов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Дилбархон Мухтарова**, лаборант **Муҳаммадали Раҳмонов**,

Бухоро вилояти, Когон шаҳар қурилиш бўлими бош архитектори **Дилшод Рашидов**, етакчи мутахассис **Жонибек Худойбердиев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚЎИ бўлими етакчи мутахассиси **Жавлон Рўзиев**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Бухоро вилояти филиали етакчи мутахассиси **Баҳридин Каримов**, Шартномалар бўлими иқтисодчиси **Дарёя Лакомкина**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспекторлари **Хасан Қосимов**, **Баҳодир Бобоқуллов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Қашқадарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Анвар Азизов**,

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар қурилиш бўлими мутахассис – архитектор **Дилнавоз Мавланова**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими инспектори **Илҳом Жўраев**,

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилиги-га рияоз этилиши назорати бўйича архитектор **Иброҳимжон Садриддинов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Кадрлар бўлими бошлиғи **Шаҳло Маҳкамова**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Баҳодир Каримов**, Урганч шаҳар қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилиги-га рияоз қилинишини назорати бўйича архитектор **Иззат Бектурдиевларни** таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, фойз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРЛАР:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифабошчи
Мусаххич

ДИЛШОД ЖАЛОЛОВ
АБДУСАМИ ҲАҚБЕРДИЕВ
АКМАЛ МАХКАМОВ
МАРҲАМАТ МУСУЛМОНҚУЛОВА

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧК томонидан нашрга тайёрланди.

«Ўзбекистон бунёдкори»
Нашриёт уйи МЧК муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧК,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахрират манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (бухгалтерия),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunyodkori@uamail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рухсатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-743.
2321 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳриси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсум.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Набатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Набатчи – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 21.30. Топширилди – 00.50.